Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 9 май, жума • № 37 (10.915) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ УРУШ ФАХРИЙЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

7 май куни Президент Ислом Каримов иккинчи жаҳон уруши фахрийларидан бир гуруҳини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари улар сиймосида мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган уруш қатнашчиларини, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган кишиларни, барча Ўзбекистон халқини Ғалаба байрами билан қутлади.

Биз Ғалаба куни арафасида уруш қурбонларини, жигаргўшаларини фронтга юборган ота-оналарни, уруш туфайли етим-есир бўлиб қолганларни, фронт ортида меҳнат қилиб, Ғалабани яқинлаштиришга ҳисса қўшганларни чуқур эҳтиром билан эслаймиз, деди Президент. Сизлар ана шу авлоднинг вакиллари сифатида жаҳонни фашизм вабосидан қутқариш учун кўксингизни қалқон қилиб курашгансиз. Буни келгуси авлодлар, тарих ҳеч қачон унутмайди.

Юртбошимиз бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизга фаровон турмуш яратиб бериш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлар экан, бу ишларга фахрийлар улкан ҳисса қўшиши мумкинлиги ҳақида тўхталди. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган соғлом авлод учун дастури ёшларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол кишилар қилиб тарбиялашни кўзда тутади. Чунки маънавий ва моддий бойлик уйғунлашган жамиятгина фаровон бўлади. Шу маънода, ёшларни ҳаётга тайёрлаш борасида фахрийларимиз катта ишларни қилиши мумкин.

Қарияларни эъзозлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг муҳим вазифасидир, дея таъкидлади Президент. Ўз навбатида фахрийларимиз ҳам юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жойларда соғлом муҳит барқарор бўлишини таъминлашда ёрдам беришлари зарур. Бунда уларнинг ҳаётий тажрибалари қўл келади. Ёшлар ва омма онгига мустақиллик ғояларини, у берган неъматлар моҳиятини сингдириш, Ислом дини ва Шарқ фалсафасини тўғри тушунтириш, юртдошларимизда ҳаё, ор-номус туйғуларини тарбиялашни ҳам ҳурматли қарияларимиз ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар.

Учрашувда сўзга чиққан уруш фахрийлари ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик билдирдилар. Мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама комрон авлодни тарбиялаш, халқимизнинг бундан-да ёруғ кунларга етишуви йўлида сидқидилдан меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Учрашувда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан козонилган Ғалаба кунини нишонлаш юзасидан ва уруш қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон урушининг ногиронлари ва қатнашчиларига энг оз меҳнат пенсияси миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мазкур мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 8 май.

«ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ, ОИЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Замон бизнинг зиммамизга янги, демократик жамият қуриш билан бирга мустабид тузум қолдирган оғир асоратлардан халос бўлган, юксак маърифатли, улкан салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифани юклади.

Бугунги анжуманда фарзандларимиз тарбияси ва таълими, бинобарин, миллат ва Ватан келажаги, тақдири хусусида сўз боради.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Оила — , жамият асоси, маҳалла-миллий қадриятлар бешиги. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонпарвар жамиятда зукко йигитлар, оқила қизлар, умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар улғаяди.

Халқимиз фарзандлари ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг томирида, инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг қони жўш урмоқда. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш, эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Сизларга ва сизлар орқали барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, давлат, жамият ва ота-онанинг бурчи фарзандларни соғлом ўстириш, вояга етказиш, умумий билим бериш билангина чекланмайди. *Уларга энг замонавий касб-ҳунар ўргатиш ва энг муҳими, уларнинг ҳаёт синовларига мардона бардош бериб, турмуш гирдобларини шижоат билан енгиб ўтиб, келажакда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун имконият яратмоғимиз даркор.* Мана, шу ўта мураккаб ва долзарб масала бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи мезонидир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликларини рўй-рост кўриб турибмиз. Биз учун инсонларни бир-биридан ажратадиган, ижтимоий тафовутларни кучайтирадиган бозор муносабатлари эмас, аксинча, меҳру оқибатга рағбат берувчи маърифатли бозор муносабатлари мақбулдир. Шахс маънавияти, жамият маънавияти масалаларини энг долзарб иқтисодий муаммолар билан баробар ва балки улардан ҳам устун қўяётганимизнинг боиси ҳам шунда. Ўзбекистон танлаган йўлнинг ўзига хос ва ўзига мос жиҳатларидан бири ҳам худди шунда мужассамдир.

Ишончим комилки, анжуман бугун замон ўртага ташлаётган муаммоларга амалий жавоб беради. Ёш авлод тарбиясига дахлдор ташкилотлар фаолиятига янги мазмун, куч ва ғайрат бағишлайди.

Анжуманингиз ишига муваффақият тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

ҒАМХЎРЛИК УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

КЕЧА вилоят ҳокими Эркин Рўзиев иккинчи жаҳон уруши фахрийларидан бир гуруҳини қабул қилди. Уларни Ғалаба байрами билан бутун вилоят аҳли номидан қизғин табриклар экан, фашизмга қарши жангларда мардларча ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси абадийлигини, ёвуз душманни енгиб, бағримизга омон қайтганларнинг тинч қурилиш йилларида республикамиз, вилоятимиз равнақига қўшган ҳиссалари улкан эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳоким қайд этгандек, урушдан кейин собиқ жангчи ўғлонлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида фидокорлик билан меҳнат қилдилар.

Фахрийлар вилоятимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларда фаол қатнашмоқдалар. Халқимиз турмуш тарзини яхшилаш йўлида юртбошимиз, ҳукуматимиз рўёбга чиқараётган ишларга имкони борича кўпроқ улуш қўшишга интилмоқдалар.

Айни пайтда бой ҳаётий тажрибага, чиниқиш малакасига эга бўлган отахонлар ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашдек режаларни амалга оширишда ҳали катта ишлар қилишлари, шубҳасиз.

Вилоят ҳокими ўз сўзида давлатимиз раҳбарлари кексалар ҳурматини бажо келтириш, улар турмушини яхшилаш борасида амалга ошираётган қатор тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Пенсионерлар, ёлғиз қариялар, ногиронларга эътибор тобора ортиб бораётир.

Учрашувда сўзга чиққан фахрийлар мустақил республикамизда ўзларига изчил кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имтиёзларни алоҳида қайд этдилар. Бундай эътибор учун давлатимиз раҳбарларига миннатдорчилик билдирдилар.

Фахрийларга эсдалик совғалари топширилди. Улар бир пиёла чой устида концерт томоша қилиб, ҳордиқ чиқардилар.

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Бўка туманининг О. Йўлдошев номидаги жамоа хўжалигида мавсумда беш минг тоннадан кўпроқ помидорни қайта ишлайдиган корхона фойдаланишга топширилди. Эндиликда деҳқонлар ўз маҳсулотини Пскент ва Янгийўл консерва заводларига элтиб топшириш ташвишидан қутилди. Туман меҳнат биржаси ва Янгийўл «Ситора» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари ташкил этган мазкур янги корхона юз кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Бу ерда пиёз қуритиладиган цех қурилиши бошлаб юборилди.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани маркази — Янгибозорда яна бир дорихона очилди. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Дилшод Ҳидоятов ташаббуси билан иш бошлаган бу жойда малакали доришунос Лочин Азизов аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Жамғарма ўз фаолиятини хайрли ишлар билан бошлаганлигидан кўпчилик миннатдор. Хусусан, мазкур дорихона яқинида марказий шифохонага 221 минг сўмлик, ногиронларга эса 4 минг сўмлик дори-дармонни хайрия сифатида ҳадя этди.

Латифжон МАНСУРОВ.

«Ўзбекистон — қўшиқ байрами»

ҚАЛБИМДАГИ КЎЗИМСАН, ВАТАН

... ИЛГАРИЛАРИ ҳам она юрт ҳақида, унинг меҳнаткаш ва заҳматкаш кишилари ҳақида кўп қўшиқлар, шеъру-достонлар битилган. Уларнинг кўпларини асосан номдор ижодкорлар, таниқли бастакор ва санъаткорлар яратгани ва айнан ўшалар талқинидаги куй-қўшиқларгина радио-телевидение орқали такрор-такрор янграгани рост. Чунки, собиқ тузум даврида катта минбарларни ҳаммага ҳам ишонавермасди! Бугун эса...

Мустақиллигимизга кўз тегмасин! Чинакам эрк туфайли бугун халқимизнинг ўзига хос ижодкорлигига, тафаккурига, яратувчанлик қобилиятига, санъатига кенг йўл очилмоқда. Ўтган йили бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танловининг ўзиёқ халқимиз орасидан юзлаб истеъдодларни кашф этди. Улар ижро этган Ватан ҳақидаги жарангдор ва мағрур қўшиқларни радио-телевидение орқали эшитганингда беихтиёр тўлқинланиб кетасан, киши. Бундай истеъдодлар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам борлиги ва улар айни кунларда янги-янги қўшиқлар устида изланаётганликлари янада қувончлидир.

Ўтган йилги улуғвор ва хайрли тадбирнинг давоми сифатида бу йил «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» танлови ўтаётгани давлатимизнинг халқ ижодкорлигига катта эътибор билан қараётганининг яна бир далилидир. Тошкент вилоятида бу байрамга йил бошиданоқ қизғин тайёргарлик кўрилди. Танлов бир неча босқичда ўтказилиб, ғолиблар вилоят танловида иштирок этиш учун тавсия этилдилар. Улар орасида оддий ўқувчи ҳам, ишчи ва аскар ҳам, кекса онахонлар-у,қўшиқчилик йўлида изланаётган ёш ҳаваскор санъаткорлар ҳам бор эди.

6 май куни муҳташам Туркистон саройи Тошкент вилояти санъат ихлосмандлари ихтиёрига берилди. Бу ерда «Ўзбекистон қўшиқлар байрами» вилоят танлови бўлиб ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур тадбир ёшлар орасида санъатга, айниқса, она-Ватанни мадҳ этишга бўлган иштиёқ ниҳоятда самимийлиги билан аҳамиятлидир. Номлари ҳали таниш бўлмаган ўнлаб ёш ижрочилар тадбирнинг ўзига хос кашфиёти бўлди, десак хато бўлмас. Ангренлик ажойиб овоз соҳиби Саъдулла Холбоев, ўртачирчиқлик Санобар Сатторова, оққўрғонлик Муроджон Чинтошев, Паркент туманидан Шеҳло Рўзиева, Бўка туманидан Орифжон Омонов, жажжи қўшиқчи қиз Жадира Қодирова син-

(Давоми 4-бетда).

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН ОДАМ

ЧИНОР — дарахтлар ичида улкани. Узоқ умр кўргувчиси. Унинг салобати, метин танаси, она заминга чуқур ботган илдизлари, шабадада шивирлаб турган япроқлари инсонни ҳамиша улуғликка ундайди.

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

Шунданмикин, иймон-эътиқодда собит, юзидан нур, дилидан қўр, сўзидан меҳр тўкилиб турадиган, эзгулик йўлида ҳоримайдиган, кўзлаган хайрли ишини битказмай тинибтинчимайдиган, эл назарига тушган, одамлар қалбида узоқ яшаб қоладиган инсонларни чинорга қиёс қилишади.

Бугунги суҳбатдошимиз «Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», «Дўстлик» ордени нишондори, Паркент туманидаги «Заркент» жамоа хўжалигининг раиси Тоживой Ризаевни ҳам паркентликлар алоҳида ҳурмат ва эъзоз билан «Заркентнинг чинори» дейишади.

Биз Тоживой аканинг хонадонига ташриф буюрдик. Умр йўлдошлари Тошбу ая дастурхон ёзди, нон ушатди. Эл ардоқлаган раис билан бир пиёла чой устида гурунглашдик.

— Тоживой ака, бугунги суҳбатимиз тарихий кун — ғалаба байрами, арафасида бўлаётгани учун ҳам жангоҳ ортида ўтган ёшлик йилларингиз ҳақида хотирласангиз?

— Инсонни яшаб ўтган ҳар бир куни хотира. Лекин, умр дафтарида қолгувчи хотиралар унчалик кўп бўлмайди.Уруш йиллари изларини эса ҳеч қачон ўчириб бўлмайди. Мен ўсмир йигитча эдим. Мактабни тугатмаёқ колхозда ишлаганман, ўроқ ўриб, кетмон чопганман, мол боққанман.

Маълумки, у йиллари жамики оғир ишлар хотин-қизлар, кексалар ва болалар зиммасида эди. Ҳисоб-китобга дуруст бўлганим учун 1942 йилдан 1945 йил март ойигача ғаллачилик бригадасига табелчи қилиб қўйишган, кейин бригадир бўлдим. Ғаллани қўлда ўриб, валда янчиб, эшак, от каби уловларда туман марказига етказиб берардик. У пайтлар қишлоғимизда фақат ғалла экиларди. «Ҳамма нарса фронт учун» шиорига қатъий бўйсинардик. У йилларни эсласам фарзандидан, жигаридан, ёридан айрилиб бўзлаётган аёллар, ғарамлар панасида титраб йиғлаётган кекса оталар, катталардек ўйчан бўлиб қолган болалар келади, кўз олдимга.

Жангоҳ ортида бундай жафокаш халқ бўлмаганда, балки, Ғалаба қилиш мушкул бўлармиди. Оиламиздан икки акам урушга отланиб, қайтиб келишмади. Кенжа ўғлим Раҳимжон Афғонистонда уч йил айни жанг авж олганда хизмат қилди. Хуллас, мен уруш нималигини биламан. Унинг оти ўчсин. Илоё, юртимиздаги тинчликка, осойишталикка кўз тегмасин.

— Ишонч нима? Кимга кўпроқ ишониш керак, деб ўйлайсиз?

— Аввало Худога, кейин, ўзига ишонган одам янглишмайди.

— Эл ардоқлаган, юрт танийдиган раҳбарсиз. Раис бўлганингиздан ҳеч афсусланганмисиз?

— Бир вақтлар Гдлян, Иванов каби маразлар бутун Республикамизни оёқ ости қилиб, юзлаб бегуноҳ раҳбарларни ноҳақ азоблаганларида, оила-аъзоларини қон қақшатганларида афсусланган жойим бор. Умуман ҳалол, меҳнаткаш одамларни иғвонинг, бахилликнинг қурбони бўлишларига чидолмайман.

— Энди бир саволга дилдан жавоб беришингизни ўрни келди. Мустақиллик...

— Тушундим... Сизга нима берди демоқчисиз, шекилли?.. Ҳар ҳолда менга шундай туюлди. Радио-телевизордаги мухбирлар ҳам шу саволни такрор-такрор бериб туришади ўз суҳбатдошларига.

Мустақиллик бизга берган жамики инсоний ҳуқуқлардан — ўзимизга, тилимизга, динимизга берилган эркдан баҳраманд бўлиб турсак, дунё халқлари, юзлаб давлатлар бизни тан олишса, ҳамкорлик қилаётган бўлсада, бизлар ҳамон мустақиллик ҳақида суҳбатлашишни хуш кўрсак. Менимча энди мустақилликнинг равнақи ҳақида жон куйдиришимиз лозим. Асака автомобиллари — бу мустақиллик меваси. Дунё тан олгувчи шундай ишлар тўғрисида ўйласак, режа тузсак, суҳбат қурсак арзийди.

Мен кекса одамман. 38 йил бир хўжаликка раислик қилдим. Демоқчи-

(Давоми 2-бетда).

Бугун – Ғалаба байрами

Фашизм тор-мор қилинганига 52 йил тўлди

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН ОДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

манки, энди нимагадир даъво қилиш ёшидан ўтганман. Шу боис айримлар Тоживой ака ҳам раҳбарларга хуш ёқишни истаб қолибди-да, деган хом-хаёлга бориб юрмасинлар. Президентимиз Ислом Каримов ҳар суҳбатда мен ҳақимда гапириш шарт эмас, маддоҳлик қилманглар, дейдилар, бу ҳақ гап.

Лекин, мен кўпни кўрган одам, дилимдагини айтай. Мустақилликкача йиғилишларда ўзбек тилида сўз эшитсам энтикиб кетардим. Қариганда жанозаларга ҳам қатнаша олмай қолгандик. Заркентдаги авлиё ота мозорига қулф солиб қўйгандик... Юқорида айтдим, Гдлянлар бутун халқни, юртни оёқ ости қилганди. Ҳаммасига биринчи бўлиб ким қалқон бўлди? «Ҳой ухламанглар, мустақиллик эълон қилдик!» деган ким? Ким Ўзбекистондаги миллат-элатларни қирғин-баротдан асраб қолди? Ким Ўзбекистонни бугунги порлоқ кунига 6 йил муқаддам кафолат берди? Ким дунё кезиб, собиқ иттифоқ сафида бойлиги ўзига етадиган жаннатмакон мустақил юрт — Ўзбекистон борлигига ривожланган мамлакатларнинг ишбилармонларини ишонтирди, қўлидан етаклаб келди. Ўтган азизу авлиёларимизнинг руҳини шод, қабрини обод этишга, ноҳақ айбланганларни оқлашга шу инсон бош бўлмадими?

Қанийди ҳамма раҳбар шунчалик куюнчаклик билан ишласа, халқ олдидаги масъулиятини шу киши даражасида ҳис қилса. Мустақиллигимизнинг ривожи бутун дунёни янада ҳайратга солмасмиди?

— Бугун на фақат паркентликлар, вилоятимиздаги кўплаб ёшлар ҳам бир қатор хўжалик раҳбарлари сизни устозимиз, дейишади. Келиб иш ўрганиб кетишади. Ўзингиз кимдан нима ўргангансиз-у, кимларни қадрлайсиз?

— Боғбонлик ва соҳибкорлик пири, бугун шу соҳада Республикамизда саркор инсон академик Маҳмуд Мирзаевдан миннатдорман. У киши ҳамон хўжалигимизга ташриф буюриб, маслаҳатлар бериб турадилар.

— Ватан тушунчаси ҳақида ҳам бир нарса десангиз?

— Дунёнинг Америка, Ҳиндистон, Миср, Сурия, Урдун, Малайзия, Туркия, Болгария каби қатор мамлакатларида бўлдим. Кўзга сиғмас гўзалликларни кўрдим. Лекин, ҳар сафар Ўзбекистонга тезроқ етиб келишни орзу қилдим. Келиб тупроғига тиз чўкдим. Чунки, бунда ота-боболарим, момоларим, онам ётибди. Бевақт кетиб қолган ўғлим ётибди. Бу тупроққа киндик қоним ҳам, кўз ёшим ҳам томган. Айёлим болаларига алла айтган, қизларим набираларимга, набирам эварамга алла айтаяпти бунда. Ватан улғайган бешигинг, тандирда жилмайиб турган нонинг, бағрингга босган боланг. Ота-онанг мозори бошида қилган тиловатинг садоси — Ватан!

— Тоживой ака, Тошбу ая билан 48 йил яшаб бирон марта ҳам урушмаган экансизлар. Шу ростми?

— Энди, бу саволингизга аянгизнинг ўзлари жавоб берсин.

— Оилада кўп машаққатлар кўрдик, болам. Тўрт ўғлим турмади, нобуд бўлди. Бундан ташқари 8 қиз, 2 ўғилни тарбиялаб, вояга етказдик, Тоживой акангиз билан. Ҳамма қизларни турмушга узатиб, икки келин олдик. 40 дан зиёд набира кўрдик, эварали бўлдик. Афсус, катта ўғлимиз Меҳриддин тўрт фарзандли бўлганда ҳаётдан бевақт кўз юмди. Худонинг амри экан, кўндик.

Аммо, жанжалсиз яшаганимиз рост. Яна ҳам рости ҳамма оилада санманга бориш учун қисман асос бўлади. Бизда ҳам бўлган. Лекин, ҳамиша биримиз оғир келганмиз. Аёл киши эрининг ёмонини яшириб, яхшисини оширса, рашк, ўринсиз жанжал-тўполон ўрнига турмуш ўртоғига парвона бўлса, бир чимдим ортиқча меҳр кўргузса олам гулистон. Шу оилада қадр-қиммат, меҳр-оқибат чироқ бўлиб ёнади.

Қарс икки қўлдан чиқади, ўғлим. Тоживой акангиз ҳам ниҳоятда оқ кўнгил, меҳрибон одам. Мен раиснинг хотиниман деб, қўл қовуштириб ўтирмаганман. 27 йил далага чиқиб, ўроқ ўрдим, кетмон чопдим, қурт боқдим. Уй ишларини тунда бажарардим. Баъзи кунлари «онаси жиндек ором ол» деб болаларга эримнинг ўзи қарарди. Ёшим 64 га борди. Ҳамон нон ёпаман, сигир соғаман. Қимирлаган қир ошар, болам. Одам соятоб бўлиб қолади.

Лекин доимо бир нарсадан мамнун бўламан. Меҳнатимиз зое кетмади. Юртимизни дунё таниди. Заркентни эл билди...

* * *

...Дарҳақиқат, 1959 йилнинг март ойида Тоживой ака жамоа хўжалигига раис бўлиб сайланганда қишлоқда 180 хўжалик бор эди. Мевазорлар жуда кам, узум эса мутлақо етиштирилмасди. Ўша йиллари заркентликлар узум егилари келса, буғдойга алмаштириб олардилар. Хўш, бугун-чи, қишлоқда 1300 хонадон, қарийб 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. 1962 йили илк бор қўшни Сўқоқ қишлоғидагиларга ҳавас қилиниб, 40 гектар тоқзор бунёд этилган бўлса, бугун минг гектардан зиёд мевазор ва узумзорлар бор. Ҳосилдорлик яхши бўлган йиллари хўжалик 6 минг тоннадан зиёд узум олади. 1150 гектар лалми ердаги ғаллазорлардан 18—20 центнердан ҳосил олинмоқда. Хўжалик барча тармоқларда иқтисодий камол топгани боис, тоғларга туташ бу масканда қишлоқ аҳолиси тўлиқ табиий газ, тоза булоқ суви, электр энергияси билан таъминланган. 2 та замонавий мактаб қаторига бу йил хўжалик ўз ҳисобидан 844 ўринли янги мактаб биноси қурилишини бошлаб юборди ва мазкур йили 360 ўринли қисмида болалар қабул қилинади. 3 та болалар боғчаси, шифохона, маданий-маиший бинолар, катта қувватли электр тегирмони, вино заводи, мой жувоз, қатор корхоналар, тикув фабрикалари, савдо расталари, хуллас, аҳолига хизмат кўрсатиши лозим бўлган барча маданий-маиший тармоқлар фаолият кўрсатаяпти.

Ана шу катта карвон, улуғ ишларга раис бош. У кишининг шижоатини кўрган одам 70 баҳорни қаршилаётганига ишонмайди. Чунки, ҳамон хўжаликни бошқаришга ҳам, тўй ва маъракаларга бош-қош бўлишга ҳам, шифохонага бирров кириб чиқишга, мактаб директорининг ҳолидан хабар олишга, вилоятнинг энг чекка қишлоғидаги эски қадрдонларини яхши кун билан кутлаб келишга, қуда-андалардан ҳол сўрашга, хуллас, ҳамма-ҳаммасига улгуради. Илоҳо, кўз тегмасин. Шу боис ҳам Тоживой акани «авлиёлар қўллаган раис» дейишади.

Тоживой акадан туришга рухсат сўрадик. Дуога қўл очдилар: «илоҳо, юртимиздаги тинчлик, осойишталикка кўз тегмасин. Деҳқончилигимизга кут-барокат бериб, ҳамманинг рўзғори рўшноликда балқиб турсин. Ҳар бандага Худо ёр бўлиб, тупроғимизда ётган азиз-авлиёларнинг руҳи мададкор бўлсин, Омин!»

Кўчага чиқдик, тун билан ёққан ёмғирдан кейин қуёш кўкда кулиб турарди, олам кулиб турарди. Борлиқ яшнаб-яшариб кетганди.

«Эзгу-истакларингиз ўзингизга ҳам ёр бўлсин, Тоживой ака», деган ўй ўтди дилимдан. Яна «70 йиллик тўйингиз муборак бўлсин», дедим. Назаримда йўл ёқасида шабадада тебраниб турган азим чинорнинг япроқлари чапак чалиб юборгандек бўлди.

Маҳмуд ТОИРОВ.

Ўзбекистонимизда бирон хонадон йўқки, машъум уруш жабрини кўрмаган бўлсин. Шу уруш туфайли қанчадан-қанча норасида гўдаклар етим, муштипар оналар бева, сулув келинчаклар бефарзанд қолишди... Бу урушнинг асорати жабрдийда кўнгилларда ҳамон сезилиб туради.

Ислом КАРИМОВ.

ДУОЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Зангиота туманининг Хонобод қишлоғида Ғалабанинг 52 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда кексалар мустақил юртимизда бўлаётган ўзгаришларни фахр ва ифтихор билан тилга олдилар.

ҚАРИЯЛАРИ эъзозланган, ёшлари эътиборда турган юртнинг ишида ривож, келажаги порлоқ бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, бунга мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар яққол мисолдир. Республика раҳбарияти айни шу масалаларга аввал бошданоқ алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида қабул қилинган фармон ва қарорлар, имтиёзларнинг ҳаммасини таъкидлаб ўтиш қийин. Айни вақтда комил инсонни тарбиялаш, баркамол ёшларни вояга етказиш иши ҳам энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Айнан ана шу икки авлод ҳамкорлиги бу мақсадларни бир-бири билан узвий боғлаб туради.

Шунинг учун ҳам Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида бўлиб ўтган йиғилишга нафақат уруш қатнашчилари, балки, ёшлар ҳам таклиф этилдилар.

Ҳамма жойда бўлгани каби Хонободдан ҳам юзлаб йигитлар урушга отланди. Уларнинг кўпчилиги қайтиб келмади. Ўтган йиллар ичида машъум уруш асорати уларнинг яна қанчасини орамиздан олиб кетди. Учрашув қатнашчилари ўтганларни бирма-бир тилга олдилар, руҳларига тиловат қилдилар. Бир пиёла чой устида таассуротларни ўртоқлашдилар.

Ҳа, бугун ҳам қишлоқда ўз меҳнати, фаолияти билан юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган кексалар кўп. Мана, уларнинг бири Пўлат Мўминов қирқ йилдан ортиқ ўрта мактабда болаларга сабоқ берди. Мутал Зуфаров жамоа хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшди.

— Энг муҳими улар ҳамон сафимизда, — деди Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом Жўраев, — қишлоғимизда ўтаётган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этадилар. Ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Айниқса, ёшларни тарбиялашда қўшаётган ҳиссалари салмоқлидир.

— Биз бошимиздан кўп нарсаларни кечирдик, — дейди Пўлат ота Мўминов. — Лекин, Яратганга минг қатла шукрки, юртимизнинг мустақиллигини кўриш насиб этди. Мен бугун Ўзбекистондаги ўзгаришларни, унинг Президенти ва раҳбарияти олиб бораётган оқилона йўлни кўриб ниҳоятда мамнун бўлмоқдаман. Аминманки, республикамиз яқин келажакда янада равнақ топган мамлакатлардан бири бўлади. Бунинг учун ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари керак.

Ҳа, шу куни юрт ҳақига кўп дуолар ўқилди, кўп илиқ гаплар айтилди. Кексалар бу ишлардан четда қолмасликларини айтдилар.

Йиғилиш қатнашчиларини Зангиота тумани ҳокимининг муовини Облоқул Жўраев, фахрийлар «Нуроний» жамғармаси туман бўлимининг бошлиғи Мирза Аҳмедов, «Қорасув» жамоа хўжалиги раиси Аъзам Абдувалиев табрикладилар. Уруш фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: ТАНТАНАДАН ЛАВҲАЛАР.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



БУ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Таҳририят меҳмонлари

Уруш ҳақида гап очилиб қолса синфдош дўстим Шуҳратнинг отаси — ўнг оёғини урушда қолдириб келган, қирққа бормай сочлари оппоқ оқарган, қўлтиқтаёқда юрадиган Мардонбек ака кўз олдимга келаверади. Уруш йиллари бола эдик. Кунларнинг бирида уйимиз рўпарасидаги Анзират холаларнинг ҳовлисидан йиғи овози эшитилиб қолди.

— Почтачи «қора хат» ташлаб кетганмиш. Мардонбек ҳам, Арслонбек ҳам ҳалок бўлганмиш. Бу мусибатга дош беролмаган Анзират хола кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Оилада эркак йўқ. Келини ва набираси Шуҳрат билан қолди. Кичик ўғли Арслонбек эндигина ўн саккиз ёшга тўлганди...

Орадан ярим йилча вақт ўтди. Анзират холанинг катта ўғли Мардонбек урушдан қайтиб келибди, деган хабарни эшитган бутун маҳалла шу хонадон томон ёпирилиб кела бошлади. Ҳалок бўлди, деб аза очилган хонадонга Мардонбек гўё тирилиб қайтгандек эди. Ҳамма у билан қучиб сўрашар, ўз жигаргўшаларидан хабар топишга уринарди.

— Шунисига ҳам шукур, жони омон қолибди. — Анзират холанинг букилган қадди ростланган эди.

Мардонбек ака саксондан ошиб қазо қилдилар. У киши билан Тошкент зилзиласидан кейин ҳам бир маҳаллада яшадик. Ёшларга «У кунларни биз кўрдик, илоё сизлар кўрмангиз» дея тилак билдирарди...

Фашизм устидан қозонилган ғалаба байрами арафасида таҳририятимизга ташриф буюрган уруш фахрийлари, янгийўллик Ёрмат ота Зарипов билан Исроил ота Исмоилов хотираларини эшитяпману, қўшнимиз Мардонбек ака кўз олдимдан кетмайди...

— Мен ҳам ўлиб тирилганлардан-ман, — ҳикоясини бошлади Ёрмат ота Зарипов. — Урушга отланганимда ўн тўққиз ёшда эдим. Балашов шаҳрида уч ойлик махсус тайёргарликдан сўнг Сталинградда жанг қилдик. Янгийўлдан тўққиз ўғлон эдик. Икки ҳафталик жангларда Маҳамаджон Умаралиев, Саидаҳмад Мирзаев, Акбарали Ҳамроқулов, Ҳамид Раҳматов, Файзи Нишонбоев, Турдибой Қорабоев ва Ғофиржон Мастоновлар ҳалок бўлишди. Карим Аҳмедов билан мен тирик қолдим. Душман қалъасини тунда қўлга киритишга қарор қилинди. Икки марта қилган ҳужумимиз барбод бўлди. Учинчи бор ҳужумга ўтганда яраландим. Икки оёғимни қимирлатолмасдим. Шу ҳолда уч кун жанг майдонида хушсиз ётиб қолибман. Бўлинмамиз командири лейтенант Бектемир мени ҳам ўлдилар қаторига қўшиб, маълумотнома бериб юборган экан. Тўртинчи куни ҳамширалар тирик эканлигимни англаб, ёрдам беришди ва госпиталга жўнатишди. Кейинчалик Қозон шаҳрида беш ой даволанишга тўғри келди. Аввалига мендан «қора хат» олган ота-онам, кейинчалик мактубимни олгач, қай бирига ишонишга ақллари бовар қилмай туман ҳарбий комиссариатига боришибди. Икки ой деганда такрор ёзган хатимга жавоб олиб, тирик эканлигимни, даволанаётганлигимни маълум қилдим.

1943 йил январь ойида ногирон бўлиб уйга қайтдим. Энди сизга айтсам «ўлиб тирилиб» қайтган куним хонадонимиздаги хурсандчиликни гапириб адо қилиб бўлмасди. Умрим бор экан, яшаб келаяпман. Хўжаликда сувчилик қилдим, боғбон бўлдим. Мана, беш йилдан ошдики нафақадаман. Ўғил-қизлар, невара-чеваралар ардоғидаман.

ИСРОИЛ ота ИСМОИЛОВ хотираларидан: Уруш тугаганига мана эллик икки йил бўлипти. Бироқ унинг яралари ҳали битганича йўқ. Урушдан қайтгач қирқ йилдан ортиқ мураббийлик қилдим. Ҳозир нафақадаман. 1937 йил Тошкент педагогика билим юртини тамомлагач, ўқитувчилик қила бошладим. Илмий мудир бўлдим, директорлик қилдим. Ҳатто армияда ҳам «ўқитувчи»лик қилдим. Карпат, Ужгород, Львов жангларида қатнашдим. Урушдан соғ-омон қайтгач, мактабда севимли касбимда ишладим. Кимё-биология фанидан сабоқ бердим. 1974 йили нафақага чиққач, маҳаллада оқсоқол қилиб сайладилар. Мактаб қурдик, йўл солдик, сув чиқардик, боғ барпо қилдик. Яратганга шукроналар бўлсинки, ҳозирда ҳам ўзим яшаб турган Ислом Керимқулов маҳалласида иззат-икромдаман.

— Урушни эсламай дейсану, бўлмас экан. У кунлар фақат хотира бўлиб қолсин. Худога шукур, юртимиз тинч, оиламиз хотиржам. Мустақилликка эришдик. Бу кунларнинг қадрига етишимиз даркор. Гоҳо-гоҳо турмушимиз оғирлашиб боряпти, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бироқ ҳеч қандай тош-тарози билан ўлчаб бўлмайдиган тинчлик-осойишталикка шукроналар айтишни унутиб қўямиз. — Ахир, ота-боболаримиз бекорга шукур қил, сабр қил, сабрнинг тағи раҳмон, деб айтмаганлар-ку! Ёшларга тинчликнинг қадрига етинг, уни эъзозланг, дейман. Ҳар қанча бойлик бўлса-ю, тинчлик, ҳузур-ҳаловат бўлмаса у татимайди.

Ярим асрдан зиёд аввалги хотираларини ёдга олиб, урушни лаънатлаб, тинчликни эъзозлаб, мустақиллигимизга шукроналар айтиб, отахонлар биз билан хайрлашишар экан, пойтахтни томоша қилиш, бобомиз Амир Темур хиёбонида невара-чевараларига хотира бўлсин, дея суратга тушиб қайтиш ниятида эканликларини айтишди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

УРУШ ЖАБРИНИ ТОРТИБ...

- Фашизмга қарши уруш йиллари Ўзбекистон 400 мингдан ортиқ навқирон фарзандларини йўқотди. Тошкент вилоятининг ўзидан урушга борган кишиларнинг 35 мингга яқини жанг майдонларида ҳалок бўлди.
- Тўрт йил давом этган уруш фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам одамларга озмунча жабру-ситам келтирмади. Мамлакат ичкарисида қолган кексалар, болалар ҳам иш куни давомийлигини ошириб, оч-ноҳор меҳнат қилдилар, дам олиш кунлари нималигини билмадилар.
- Уруш йиллари Ўзбекистон фронтга ҳаммаси бўлиб 1010 самолёт, 8243 авиация мотори, 137 миллион снаряд ва мина, 154 миллион авиация бомбаси юборди. 10 минглаб турли хилдаги жанговар техникани таъмирлади ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлади.
- Қорни нонга тўймаган халқимиз фронтни озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлаб турди. Юртимиз меҳнаткашларининг ғайрат-шижоати билан 1943 йилнинг ўзидаёқ 415,6 минг тонна ғалла етиштирилди. Бу 1940 йилдагига қараганда 1,5 марта кўпдир. Шоли етиштириш урушдан аввалги йили 52,7 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1943 йили бу рақам 66,3 минг тоннага етди. Бутун уруш давомида Ўзбекистон 4,8 миллион тонна пахта, 1 миллион тоннадан ортиқ ғалла етказиб берди.
- Уруш йиллари Ўзбекистон фронт томонларидан эвакуация қилинган миллиондан ортиқ кишини, шу жумладан 200 мингга яқин болани қабул қилиб олди, уларга бошпана бериб, нон-тузини баҳам кўрди. Кўпчилик оилалар урушда ота-онасиз қолган етим-есирларни ҳам тарбияладилар.
- Ўзбекистонга уруш йиллари 115 госпитал эвакуация қилинган. Уруш ярадорлари ва жабрдийдаларига юртимиздаги корхона ва муассасалар, колхозлар оталиқ ёрдами кўрсатиб, уларга узлуксиз озиқ-овқат, тикув ва боғлам материаллари, ҳўл мевалар, сабзавотлар билан ёрдам бердилар. Бу ердаги госпиталлардан 54 минг 252 киши жанговар сафга ва 70 минг киши тинч меҳнатга қайтган.
- Катта-катта иншоотлар ҳашар йўли билан қурилди. Жумладан, Бекободдаги Фарҳод ГЭСи қурилиши учун Ўзбекистон аҳолисидан 8 минг куб метрдан ортиқ ёғоч, 800 тонна металл, 100 мингдан ортиқ чўкич, белкурак, кетмон, лўм ва бошқа нарсалар олиб турилди. Шу билан бирга бу ерга 300 вагон турли анжомлар, қурилиш механизмлари ва транспорт воситалари жўнатилди.

ШУКРОНАЛИК

ҲЕЧ БИР уруш инсониятга завол етказмай қолмаган. Ҳар ғалаба байрамида унинг мудҳиш манзаралари кўз олдимда гавдаланади. Украина, Белоруссия фронтларида ёвуз душман билан бўлган тўқнашувларда, Брест қалъаси учун борган оғир жангларда, Одер дарёси ёқасидаги беаёв олишувларда, Берлин учун куну-тунги ҳужумларда қанчадан-қанча йигитлар ерга бош қўйдилар. Уларнинг руҳи ҳамиша шод бўлсин.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Польша учун жанглар борар эди. Қуролдошларимиздан бири вақтинча рўй берган сокин фурсатдан фойдаланиб, Андижоннинг ўзи ўсган Ойим қишлоғи ҳақида сўз очиб қолди. Табиати, одамларини мақтади. Кўкрак чўнтагидан мактабда ўқиб юрганида отаси ва онасининг ўртасида туриб тушган суратини ҳаммамизга кўз-кўз қилди. «Юртимизни, қариндош-уруғларимни жуда-жуда соғиндим, омон қолсам, уйга қайтгач, сизларни меҳмонга чақираман, тўйимга ҳам айтаман», деб худди тўйи ўша куни бўлаётгандек, севиниб гапирди.

Афсуски, у ниятига етолмади. Ярим тунда бошланган шиддатли жангда ҳалок бўлди. Душман ёғдирган ўқ кўкрагига тегиб, бояги суратни ҳам илма-тешик қилиб, қонга бўяган эди.

Ҳа, уруш бир дунё орзулар билан яшаётган минг-минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Айниқса, Берлин бўсағасидаги жанглар даҳшати кўз олдимдан асло кетмайди.

Шу боис, ҳар сафаргидек, бу галги Ғалаба байрамида ҳам тинчлик қадри нақадар буюклигини ёшларга алоҳида таъкидламоқчиман. Урушдан омон қайтганлар борки, бу ёруғ кунларга етганларидан беҳад миннатдорлар. Мустақил республикамизнинг бугунги ҳур замонларини кўрганларидан шукроналар айтиб, яшамоқдалар. Эркин бўлган юртимизда тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарорлигининг ўзиёқ катта бахт. Кўпчилик қатори мен ҳам телевизор кўриб бораман. Уруш бўлаётган, тинчлик-хотиржамлик йўқолган жойларда бесаранжомликларни, болалар кўзларидаги хавотирликни кўриб, мамлакатимизда ҳамма осойишта яшаётганлиги, меҳнат қилаётганлигидан кўнглим таскин топади. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар юртимиз ҳукумати томонидан бўлаётганлигини ҳис этиб, уларга раҳмат, дейман.

Мустақиллик даврида кексаларга эътибор тобора ортиб бормоқда. Биргина пенсиянинг ўзини олайлик. Беш йилдан ортиқроқ вақт ичида бир неча бор ошди. Байрам арафасида яна шундай ғамхўрликнинг гувоҳи бўлдик. Қутлуғ айёмда қуролдош дўстларимни табриклар эканман, ҳозиргидек пиру-бадавлат бўлиб юраверайлик, мустақиллигимиз ҳамиша барқарор бўлсин, бундай ҳур замонларга етказганига шукур, дейман.

Қўчқорхўжа ҲАСАНОВ, уруш фахрийси.



ЕВРОПА: ЯНГИ ПУЛ МУАММОСИ

Тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Ҳаётий эҳтиёжлар қамрови кенгайгани сари инсон уларни қоплашнинг қулайроқ йўлларини ахтараверади. Башарият ҳаёт экан, мудом изланишда. Бу хусусда Европа Иттифоқининг ташкил топиши ва кўплаб янги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг бошланишига сабаб бўлгани диққатга сазовор.

Шарҳчи сатрлари

Европа Иттифоқи (ЕИ) Ғарбий Европадаги 15 давлатни бирлаштирувчи йирик ҳамжамиятдир. 2000 йилга бориб унинг таркибидаги давлатлар сони ўттизга етиши мумкин деган тахминлар бор. Айни пайтда Шарқий ва Жанубий Европадаги яна 12 давлат ЕИга аъзо бўлиш истагини билдирган.

70-йиллардан буён Европа Иттифоқига аъзо давлатлар собит қадамлар билан ушбу иттифоқ доирасида ягона бозор барпо этиш йўлидан бормоқда. Шу вақтгача мавжуд иқтисодий тўсиқларни бартараф этиш, давлатчилик шаклларини белгиланган андозалар асосида қайта қуриш улар сиёсатининг асосий бўғинларидан бири бўлиб келди ва бу борада кўзга кўринарли натижаларга эришилди ҳам. Айни пайтда 1991 — 1992 йилларда Голландиянинг Маастрихт шаҳрида имзоланган ҳужжатлардан бирини ҳаётга татбиқ этиш, яъни ЕИни молиявий жиҳатдан ҳам бирлаштирувчи Ягона иқтисодий валюта иттифоқини (ЯИВИ) барпо этиш ҳамда унга аъзо мамлакатлар ҳудудида ягона пул бирлиги — «Евро»ни жорий этиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ЯИВИга Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатлар аъзо бўлади. Бироқ, бунинг учун улар қуйидаги шартларни бажариши керак: давлат бюджетидаги камомад ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз, давлат қарзи эса 60 фоиздан ошмаслиги лозим. Пулнинг қадрсизланиш даражаси ўртача бир ярим фоиз этиб белгиланган. Бу шартлар 1998 йилгача бажарилиши керак. Жараённи эса, Европа иттифоқининг асосий органларидан бири бўлган Европа комиссияси билан Европа валюта институти назорат қилиб боради.

Жорий йилнинг апрель ойи охирида Европа комиссариати эълон қилган маълумотларга қараганда, Европа Иттифоқига аъзо 15 мамлакатдан 13 таси шартномада қайд этилган иқтисодий мезонларга эришган. Бироқ, Италия ва Греция учун дастлабки босқичда ЯИВИга аъзо бўла олмаслик хавфи бор. Чунки, Италияда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан камомади 3,2 фоизни ташкил қилади. Грецияда эса, бу кўрсаткич 4,9 фоиздан пасаймай турибди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Италия Ягона иқтисодий валюта иттифоқини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан давлатлардан бири эди.

Европа комиссиясининг «Евро»ни жорий қилиш йўлидаги асосий вазифаларидан яна бири 1998 йилда Европа валюта институтини Европа марказий банкига (ЕМБ) айлантириш ҳамда уни муомалага тахт қилишдир. Мана шу жараёндан муваффақиятли ўтилгандан сўнг, 1999 йил 1 январдан бошлаб, «Евро» Ягона иқтисодий валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳудудида 2002 йил 1 июлга қадар босқичма-босқич тўла муомалага киритилади. Вақти келиб, Европа Иттифоқи ҳудудида Англия фунтстерлинги, Франция франки, Германия маркаси ёки ЭКЮ эмас, балки, ягона «Евро» муомалада бўлади.

Бундан ташқари, 1985 йилда имзоланган Шенген Конвенциясига биноан, Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатлар ўзаро чегараларни бекор қилади. Яъни, иттифоқ доирасида бир давлатдан бошқа давлатга ўтиш учун ҳеч қанақа чеклашларга йўл қўйилмайди. Бу режалар амалга ошиши билан, ЕИ мамлакатларига саёҳат қилишни истаган киши ягона виза билан кифояланиши мумкин бўлади. Бундан ташқари, иккинчи бир давлатга ўтиш пайтида валюта алмаштиришга ҳожат қолмайди. Иттифоқ миқёсида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги молиявий муаммолар ҳам ўз-ўзидан барҳам топади. Бу эса, маҳсулотларни келишилган ҳолда ва етарли миқдорда ишлаб чиқариш, уларни арзонлаштириш, сифатини янада яхшилаш имконини беради.

Ягона иқтисодий валюта иттифоқига асос солиниши билан, жаҳондаги барча давлатларга ўрнак бўладиган янги иқтисодий интеграция вужудга келади. Мазкур интеграция шуниси билан фарқланадики, иқтисодий салоҳияти жиҳатидан кучли давлатларни бирлаштирувчи Ягона иқтисодий валюта иттифоқи башарият тарихида илк бор ташкил топмоқда. Агар «Евро» жорий этилса, АҚШ доллари сингари яна бир мустаҳкам валюта пайдо бўлади ва доллар билан бемалол рақобатлашади.

Бугунги кунда қатор мамлакатларнинг Европа иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни яхши йўлга қўйишга интилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мазкур иттифоқ билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1994 йил январь ойида Европа иттифоқи комиссиясининг Ўзбекистон бюроси тузилди. 1996 йилнинг июнида эса, Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битим банк-молия, илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, енгил ва оғир саноат, тиббиёт ҳамда кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги 70 дан ортиқ ҳужжатни ўз ичига олган. Бу эса ушбу келажаги порлоқ иттифоқ билан келажаги буюк давлатимизнинг ҳамкорлиги яхши бўлишидан далолатдир.

Алишер ҲАСАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

СИНГАПУР. Сингапурда халқаро ҳарбий денгиз техника кўргазмаси очилди. Унда 18 давлатдан келган 300 га яқин компания ва фирма маҳсулоти намойиш этилмоқда.

* * *

ҚОҲИРА. Франциянинг «Ле-монд» газетасида Мисрдаги ислоҳотларга бағишланган мақола эълон қилинди. Унда Миср ҳукумати бир йил мобайнида очиқ эшиклар сиёсатини юритиб, жаҳон иқтисодига интеграциялашув моҳиятини кўрсата олишга муваффақ бўлди, дейилади.

Бундан ташқари, «Лемонд» газетасининг ёзишича, Мисрда хусусийлаштириш жараёни анча жадаллаштирилган, ҳукумат томонидан миллий валюта — жунайҳ қадрсизланишининг олдини олиш бўйича махсус тадбирлар ишлаб чиқилган.

* * *

ПРАГА. Чехиянинг «Шкода» компанияси Россияда ўз бўлимини очишни режалаштираяпти. Бу бўлим автомобил йиғишга ихтисослаштирилади.

Режага мувофиқ, чехиялик автомобилсозлар шу йилнинг ўзида Россияда «Фелиция» русумидаги автомобилни йиға бошлайди.

* * *

ЛОНДОН. Англия пойтахтидаги гавжум кўчалардан бирида жойлашган «Рус китоблари» дўкони ёпилди. Мазкур дўкон шу пайтгача рус тилида чоп этилган адабиётларни сотиш билан шуғулланар ва шу билан бирга Англиядаги руслар учун ўзига хос маданият маркази вазифасини ўтаб келаётган эди. Дўконнинг ёпилишига сабаб: харидорларнинг камайиб кетганлиги.

(ЎзА).

МИШ-МИШЛАР БАРҲАМ ТОПСА КЕРАК

Фашизм мағлубиятга учраганлигининг 52 йиллиги арафасида гитлерчи жаллодлардан бири саналмиш Мартин Борман қисматига доир янги хабарлар пайдо бўлди.

Маълумки, Гитлер ва Геббельс ўзини ўзи ўлдирган эди. Бошқа нацист раҳбарлари қўлга олиниб, жазога ҳукм қилинган. Фақат Гитлердан кейинги иккинчи шахс ҳисобланмиш М. Борман аланга ичида қолган Берлиндан беиз ғойиб бўлган эди. Кейинчалик уни гўё Жанубий Америка мамлакатларида кўрган «гувоҳлар» пайдо бўлди. Рейх ҳалокатга учраш арафасида у қочиб, ё самолёт ёхуд сувости кемасида бу юртларга келиб қолган эмиш. Аммо гитлерчилар ҳаётини жуда яхши билган Аксманнинг далолат беришича, Инвалиденштрасс кўчасида даҳшатли бомбардимондан сўнг у Мартин Борман ва унинг шифокори Штумпфеггернинг ўлигини шахсан кўрган. Аксман тасвирлаган жойда 1972 йил скелет топилиб, Франкфурт прокуратураси жасад қолдиқларини текшириб кўргач, суяклар ҳақиқатда Борманники экан, деган хулосага келган. Марҳумнинг оила аъзолари жасад қолдиқларини дафн этиш учун сўрашган. Лекин суд бу ашёи далиллар керак пайтида тегишли идораларга яна берилиши шартини қўйганда Борманнинг қариндошлари бунга рози бўлишмаган. Ҳозир, ярим асрдан ортиқроқ вақт ўтгач, ўша суяк қолдиқлари қайтадан пухта текшириб кўрилмоқчи. Бу текширишлар шу пайтгача давом этаётган миш-мишларга барҳам берса керак.

ЮЛДУЗНИ «ЮЛДУЗ» ҚИЛГАН — ИРОДАСИ

Жаҳон кино юлдузи, гўзаллик тимсоли, қанчадан-қанча ошиқларнинг жазмани Элизабет Тейлор умр бўйи дарддан боши чиқмаган экан. Ҳисоблаб кўрилса, у шу пайтгача 255 марта касалхонага тушибди.

Умуртқаси қийшиқ туғилган қизчага бутун ҳаёти давомида оғриқ азоб бериб юрган. У ҳаёти давомида қанчадан-қанча ҳалокатларга йўлиққан. Кинога суратга тушаётган пайтда отдан йиқилиб, умуртқасининг бир лаппагини синдирган. Зинадан йиқилиб кетиб, оғир операция бўлган, бодом безларини олдирган, оғир зотилжам касаллигини бошидан кечириб, нафас олиши тўхтаб қолган. Шифокорлар унинг ҳаётидан умидини узишган ҳам. Автомобил ҳалокатига учраб бир сафар юзи, кейин оёғи, бўйни жароҳатланган. Сон суягининг бир қисмини кесишган. Бу йил эса Элизабет Тейлорнинг миясидаги шиш жарроҳлик йўли билан олиб ташланди. Сочини таг-туги билан қирдиришга мажбур бўлган 65 ёшли латофатли актриса ҳамон ҳаёт завқи ва гўзаллигига умидворлик билан яшамоқда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Туркистон — мусаввирлар маскани».
9.00 Миллий кураш. Халқаро турнир.
9.30 Э. Воҳидов. «Дониш қишлоқ латифалари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Тележурнал.
10.25 «Ҳайвон ўргатувчилар». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
11.05 Болалар учун. «Мактабимиз — фахримиз».
11.45 «Мавзуга қайтиб».
12.05 Ш. Бошбеков. «Тақдир эшиги». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Ҳазрати Инсон».
18.45 «Ботма, қуёш!».
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.45 «Бу оқшом...»
22.10 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.35 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Камгап шерик». Бадиий фильм (Франция).
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.30 «Автрейд».
20.40 «Тасвир».
20.45 «Мусиқий танаффус». Л. Агутин.
21.00 «Ракурс». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Той бола». Фильм-концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.

*

11.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа бўстони».
12.00 Болалар учун. «Шукрона».
12.15 А. П. Чехов. «Кечиккан севги». Теленовелла.
12.35 «Мен туғилган тупроқ».
12.55 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.10 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тест синовлари — адолат мезони».
18.30 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 Шарқ тароналари.
21.40 «Альманах-ТВ».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Темир хотин». Бадиий фильм. 1-серия.
23.05 «Балкон», «Ниҳоллар». Катталар учун мультфильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. «Франция-98».
00.40 Тунги тароналар.
01.00—01.10 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Олтин кент».
19.10 Мусиқий шарҳ.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.35 «Акс».
23.55 «ТВ плюс...»
00.10 — 00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 Мусиқа кечаси. Бах. «Фортепиано дуэтлари». 1-қисм.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Шартнома». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
22.50 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Баҳодир». Телефильм.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Очиқ дарс».
20.45 «Америкага бир назар».
21.15 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.30 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.05 «Компьютер сабоқлари».
9.30 «Фермер». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Оламни асранг».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Зоология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.

*

11.30 Шарқ тароналари.
11.50 «Тиббиёт XXI асрда».
12.10 «Қўрқувнинг давоси». Бадиий фильм.
13.40 «Эзгуликка йўғрилган умр».
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.00 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.15 Маънавият. «Мусиқа ва замон».
18.35 «Тасаввур олами».
18.55 «Сиҳат-саломатлик».
19.15 Қашқадарё вилоят телевидениеси кўрсатади: «Ҳазрати Инсон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.45 «Бухорои шариф». 2-кўрсатув.
22.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.25 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Навбаҳор» (Наманган).
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.10 «Зерикмай десангиз».
19.20 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
23.00 «Зерикмай десангиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Шартнома». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40 «Қўшиқ ҳадя этиб». Фильм-концерт.
23.10 — 23.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Мезон».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Бу ажиб дунё».
20.30 «Тошкентнома».
21.00 «Автосалтанат».
21.10 «Шаҳрим — фахрим».
21.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Экстремал ўйинлар».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИ ЎҚИБ, ОИНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

ПАЙШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахтиёр Холхўжаев». Фильм-концерт.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қувноқлар даврасида».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Ботаника.
11.00 Оналар мактаби.
11.30 Умумий биология.

*

12.00 «Меҳр».
12.25 «Уйланиш». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.25 «Соғломжон-полвонжон».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Япония ҳақида ҳикоялар». Токио сут заводи.
18.25 Дилнавоз садолар.
18.30 «Фармон ва ижро». Мақсад — режами?
18.50 «Катта танаффус».
19.15 «Билиб қўйган яхши».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.40 «Иймон».
22.00 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.20 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Темир хотин». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Олтин кент».
10.30 «Мусиқий шарҳ».
10.45 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.00 «Акс».
11.20 «ТВ плюс...».
11.35 «Зерикмай десангиз».
11.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.05 — 13.35 «Кинонигоҳ».

* * *

18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сувости дунёси».
19.20 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Сеҳргар». Кўрсатув ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
23.05 Кундалик.
23.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.35 «Спорт қитъаси».
24.00 — 00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 Мусиқа кечаси. Бах. «Фортепиано дуэтлари». 2-қисм.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Бизнинг полициячи». Бадиий фильм (АҚШ).
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Айчурек».
20.25 «Минг бир маслаҳат».
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 «Коктейль плюс».
22.35 «Каталог».
22.45 «Эллада».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Рақс соҳибаси». Фильм-концерт.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 «Катта танаффус».
9.45 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳуқуқ сабоқлари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Тасвирий санъат.
11.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
11.30 Немис тили.

*

12.00 Ўсмирлар учун. «Ўйла, Изла! Топ!». Телеўйин.
12.45 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.30 «Маърифат маскани». Тошкент алоқа коллежи.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Нима учун».
18.35 «Дизайн».
18.50 «Эртага — шанба».
19.10 Бизнес ҳафта якунлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Умидли дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 Дилнавоз садолар.
22.05 Хива-2500. «Тарихингдур бир жаҳон». Публицистик кўрсатув.
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Хуш келибсиз».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Жаҳон спорти янгиликлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Боланинг тили».
9.40 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.55 «Олтин кент».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.50 Видео—«О».
12.20 — 12.50 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...».
18.40 «Телевидение ва театр».
19.00 «XXI аср авлодлари».
19.20 «Бугун кино оқшомида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
23.05 «Ханда дўкони».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 «Даракчи».
00.25 Дастур ниҳояси.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Байрам-Али». Телефильм.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. Финал. «Барселона» (Испания) — «Пари Сен-жермен» (Франция). Ёзиб олинган.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.50 «Уй остонадан бошланади».
20.20 «Олам ва одам».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Эльдорадо». Телесериал.
21.20 «Бу бўстон аро».
21.50 «Латофат».
22.05 «Қанотлар».
22.25 «Жума куни ишдан сўнг».
23.05 «Сирдошим».
23.35 Араб эстрадаси.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Жасур бўлиш осонми?». Мультфильм.
8.45 Дзю-до. Ўзбекистон чемпионати.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.00 «Баҳс».
10.20 «Ҳобби».
10.35 «Ёшлар билан».
11.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
12.15 «Ҳамроҳ».
12.45 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
13.05 — 14.20 ЎзТВ хазинасидан. Н. Қобул. «Амир Музаффар». Видеофильм. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.30 «Мактуб».
18.40 «Армонли дунё». Анвар Эшонов.
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Рақслар гулдастаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 33-қисм.

«Тунгу ёғду».
Дам олиш дастури:
XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

22.35 «Олтин кўприк».
22.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.10 Туркон Шарой «Маҳбус» фильмида.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».
9.20 «Телевидение ва театр».
9.40 «XXI аср авлодлари».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.30 «Ханда дўкони».
10.50 «Спорт қитъаси».
11.50 — 13.40 «Кинонигоҳ».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.05 «Қўшиқлар жилоси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кеча-кундуз баробарлиги». Драма-мистика.
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.45 «Манеж юлдузлари».

*

18.30 — 23.25 Россия жамоат телевидениеси.

*

23.25 Эълонлар.
23.30 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
00.20 — 00.30 «Ҳайкалтарош». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Мелодрама». Бадиий фильм.
10.40 Эълонлар.
10.45 «Тақдирлар». Галина Мельникова.
11.15 Шанба эртаги.
12.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.00 — 13.20 Корейс тилини ўрганамиз.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «23 Ниссан». Анқарадаги Халқаро болалар фестивали.
20.35 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.40 «Чинсэн».
21.10 «Спектаклдан сўнг».
21.35 Эълонлар.
21.40 Кинонинг олтин асри. «Кечки зиёфат». Бадиий фильм.
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.30 «Хит-коллекция».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Бугун якшанба дастурида».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Кувноқ стартлар».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...».
11.15 «Пойинтар-сойинтар».
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 33-қисм.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Катта танаффус».
13.00 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 9-серия.
13.50 «Туҳфа».
14.00 «Келгуси ҳафтада».
14.15 «Бу мунис лаҳзалар».
14.35 «Жараён».
14.50 «Ўғирланган». Бадиий фильм.
16.30 «Ўзбекистон спорти».
16.45 — 16.55 «Тақвим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 10-серия.
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Халқаро музейлар куни. «Маърифий масканлар».
21.20 «Мусиқа салтанати».
21.40 «Шахс ва баҳс».
22.05 «Интер-футбол».
22.30 «Келгуси ҳафтада».
22.45 Дилнавоз садолар.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ҳафтанома».
23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Бухоро» (Бухоро).
00.15 «Тунги сеанс».
01.45 «Тақвим».
01.55 — 02.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...».
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.30 Болажонлар экрани.
10.45 «Табиат шифохонаси».
10.55 «Умрбоқий мерос».
11.10 «Мухлис-ТВ 2».
11.20 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».
11.35 «Глобус». Телеальманах.
12.00 — 13.45 Видео—«О».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Мухлис-ТВ 2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 Видео—«О».
23.05 «Глобус». Телеальманах.
23.30 «Мухлис-ТВ 2».
23.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
24.00 «Даракчи».
00.10 Дастур ниҳояси.

III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

17.05 — 23.25 Россия жамоат телевидениеси.

*

23.25 Эълонлар.
23.30 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
00.20 — 00.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсе?».
10.00 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами» таништиради...
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 Киносалон. Оливер Стоуннинг «Туғма қотиллар» фильми.
14.20 «Дарвоқе». Дам олиш кўрсатуви.
14.45 «Шу куннинг мавзуси».
15.00 Эълонлар.
15.05 «Афсоналар ва ҳақиқат».
16.15 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Телеташриф».
19.20 «Яхши деганинг нима-ю, ёмон деганинг нима?» Болалар мусиқий дам олиш дастури.
19.40 «Менинг кучам».
19.55 «Подиум».
20.15 «Сенинг вақтинг».
20.35 «Иштирок этувчилар».
21.05 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.35 Эълонлар.
21.40 Киносалон. «Ота номи билан». Бадиий фильм (АҚШ).
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ҚАЛБИМДАГИ КЎЗИМСАН, ВАТАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

гари умидли ёшлар келгусида вилоятнинг фахри бўлиб қолишлари мумкинлигини иштирокчилар ҳам, ҳайъат аъзолари ҳам алоҳида таъкидладилар. Энди ҳамма гап уларнинг ўз устларида янада жиддийроқ ишлашларида, изланишларида.

Танлов — ўз номи билан танлов! Шу куни ғолиблар ва совриндорлар аниқланиб, уларга дипломлар ва мукофотлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Танлов якунига кўра бўкалик Орифжон Омоновнинг «Жаннатмакон Ватансан» қўшиғи биринчи ўринга муносиб деб топилди ва у республика қўшиқ байрамида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Учта иккинчи ўрин — оққўрғонлик Мурoджон Чинтошев, вилоят педагогика билим юрти хор жамоаси ва Қуйичирчиқ тумани маданият уйи қатнашчиси Илҳом Холбоевларга берилди. Учта учинчи ўрин эса Чирчиқ шаҳридаги 10-болалар мусиқа мактаби хор жамоасига, ўртачирчиқлик Санобар Сатторова ва Чиноз туманидаги «Чиноз» гуруҳига насиб этди. Ғолиблар ҳамда энг яхши иштирокчи деб топилган бир гуруҳ ижодкор қўшиқчилар вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят ҳокимлиги ва маданият бошқармаси, «Нуроний» ва «Камолот» жамғармалари, шунингдек, бир қатор ташкилот ва корхоналарнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Байрам сўнггида айрим иштирокчилар билан суҳбатлашдик.

— Бундай танловларда ғолиб бўлишни ҳаммаям истайди. Лекин, менинг «Туркистон болалари боғ айлагай» деб номланган қўшиғим ана шу ғолиблар сафидан жой олишини ҳам кутган,ҳамкутмаган эдим. Ҳозир ҳаяжонимни қандай ифодалашга ҳам ҳайронман. Нима бўлгандаям, биз ёшлар энди буёғига астойдил меҳнат қилишимиз, элимизга, юртимизга мос чиройли қўшиқлар яратишимиз керак. Бунинг учун эса бизга ҳукуматимиз бош-қош бўлаётган бугунгидек тадбирлар жуда катта имконият йўлидир.

— Менимча, бу галги танлов вилоятда ўзига хос, изланувчан ҳаваскор қўшиқчиларнинг кўпайгани билан авалгиларини тўлдиради, — дейди ҳайъат аъзоси, шоир Муҳаммад Юсуф. — Айниқса, ангренлик Саъдуллажон, ўртачирчиқлик Санобар, бир қатор ҳаваскорлик гуруҳларининг тиниқ булоқлардай пайдо бўлганликларидан қувондим, уларга бир ижодкор сифатида муваффақият тилайман. Яна бир истагим, келгуси гал бундай тадбирларни ўтказиш жараёнида болаларнинг, мактаб ўқувчиларининг чиқишларини алоҳида уюштириш мақсадга мувофиқ бўларди деб ўйлайман. Чунки, болалар ва катта ёшдаги ижрочиларнинг ўртасидаги фарқ ва бироз номутаносиблик сезилиб қолаяпти... Мен умуман, санъаткор халқимиз орасидан ажойиб қўшиқчилар етиштириб бераётгани учун бундай тадбирларни қўллаб-қувватлайман.

Пойтахт узра оқшом нурлари ёйила бошлагандагина танлов ниҳояланиб, иштирокчилар ўз манзиллари томон жўнай бошладилар. Кимдир қувонган, кимдир ҳаяжонда... Кимдир ғолиб, кимдир... Йўқ, бу танловда ҳеч ким изсиз кетмади. Чунки, «Туркистон»дек муҳташам сарой саҳнасида туриб айтилган ҳар битта қўшиқ алоҳида яратувчанлик иши сифатида мағрур жаранглади. Бу жарангли овозлар ҳали кўп янграйди. Биз эса барча мухлислар номидан самимий айтамизки:

— Янги истеъдодларинг ва янги қўшиқларинг муборак бўлсин, юртим!

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«Ўзбекистон — қўшиқ байрами»

Суратларда: танлов ғолиби О.Омонов (чапдан) ва кўрик-танлов совриндорлари.
Даврон АҲМАД суратлари.

БИРИНЧИ ДОВОН

БУГУН Ўзбекистон футбол тарихида янги саҳифа очилади. Ниҳоят миллионлаб футбол мухлислари кутган дам етиб келди. Ўзбекистон футболчилари жаҳон биринчилигининг дастлабки саралаш учрашувини ўтказадилар. Бундай шарафга мустақиллигимиз туфайли эришдик.

БИРИНЧИ қадам, биринчи имтиҳон. Ҳозирча саралаш ўйинлари... Яман, Комбоджа, Индонезия. Ушбу рақиблар билан бўладиган баҳсларда устун келсак, иккинчи босқич. Омад келса, финалда Парижда тўп сурамиз. Ҳар бир мухлиснинг бугунги орзуси терма жамоамизни финал қатнашчилари сафида кўриш. Биламиз, бу осон иш эмас. Бироқ уддаласа бўладиган вазифа. Осиёда энг «зўр» учта жамоа сафидан жой олсак, йўлланманинг биттаси бизники.

Терма жамоамиз сафарга қуйидаги таркибда жўнаб кетди: Павел Бугало, Николай Ширшов, Владислов Филиппов, Андрей Федоров, Равшан Бозоров, Шуҳрат Мақсудов Рустам Шоймардонов, Фарид Хабибулин, Жаъфар Ирисметов, Илҳом Шарипов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Февзи Давлатов, Бахтиёр Қамбаралиев, Сойиб Аҳмедов, Шуҳрат Раҳмонқулов, Бахтиёр Ашурматов, Нуъмон Ҳасанов, Ойбек Усмонхўжаев, Мухтор Қурбонов. Жамоага Рустам Мирсодиқов бош мураббийлик қилмоқда. Унга Евгений Валицкий, Юрий Саркисянлар ёрдамлашади.

Бугунгача Осиё қитъасининг бешинчи гуруҳида аҳвол қуйидагича бўлиб турипти:

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
Индонезия	3	1	2	0	9—1	5
Яман	2	1	1	0	1—0	4
Комбоджа	3	0	1	2	1-10	1
Ўзбекистон	0	0	0	0	0—0	0

РЕНА МАМЕДОВА — ЯНГИ ЧЕМПИОН

Тошкентда хотин-қизлар ўртасида шохмот бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақада ўн тўрт нафар спортчи қатнашди.

Биринчилик учун қизғин кураш мусобақанинг охиригача давом этди. Рена Мамедова ҳал қилувчи учрашувда ғалаба қозониб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. У 13 имкониятдан 10,5 хол тўплади. Республиканинг ўтган йилги чемпиони Анжела Хегай иккинчи ўринни олди ва Ўзбекистон спорт устаси нормативини бажариб, Осиё чемпонати ва бошқа халқаро мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Об-ҳаво

8-11 май кунлари об-ҳаво қандай бўлади?

Мамлакатимизнинг бутун ҳудудида бўлгани каби Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ҳаво асосан очиқ келади. Фақат айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши кутилмоқда. Шу кунларда ҳаво ҳарорати кечалари 7-12, кундуз кунлари 17-22 даража иссиқ атрофида бўлади.

МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР

НОБАКОР

УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОНДА ўзининг ярамас феъл-атвори билан танилган Убайд исмли бир киши яшаган экан. У нож ўя ҳаракатлари билан халқнинг осойишталик хирмонини куйдирар, ёмон ахлоқнинг ўнқир-чўнқир, носоз даштида қадам ташларди. Мардлик ва инсонийлик дастурхонининг неъматидан луқма олмасди.

Бу юзсиз, ор-номуссиз одамнинг гўзал, ахлоқли, тарбияли хотини бор эди. Нобакор Убайд хотинига ҳам очиқ юз, ширин сўзлик билан муомала қилмасди. Унинг ҳар бир сўзига аччиқ-санчиқ жавоб бериб, бечоранинг кўнглини вайрон этарди. Хотинининг ҳар қанча қилган насиҳати одобсиз эрга сира таъсир қилмасди.

Кунлардан бир кун нопок эр уйига келиб, хотинини сабабсиз ура бошлади. Ниҳоят, жоҳиллиги қайнаб-тошиб, бир тошни кўтариб, аёлининг бошига қаттиқ туширди. Бечора хотин шу заҳотиёқ тил тортмай жон берди...

БАЙТ:

Насиҳат тингламас дил сахти маҳжуб,
Кўкармас тошга ёмғир ёғса ҳам кўп!

ҲИКМАТ: Уч нарса кишини қийнаб, заифлаштиради: бахил билан бирга яшаш, тепса-тебранмас билан улфат бўлиш, бажарилиши узоққа чўзилган ваъда!

БАТТОЛ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, Убайд қилиб қўйган ишидан қўрқувга тушди, мурдани холироқ бир ерга яширди. Сўнгра кўпни кўрган мўйсафид бир одам билан келишиб, фожеанинг келтирадиган натижасидан ўзини қутқармоқчи бўлди. Шу ният билан югуриб ташқари чиқди. Шу чоғда Азимхўжа исмли савдогар кўчадан ўтиб кетаётган эди. У Убайднинг кўзига иссиқ кўринди шекилли, салом бериб, уни тўхтатди. Кейин уни кўчанинг холироқ бир ерига даъват қилиб, у ерда воқеани бирма-бир баён қилди, жазодан қандай қилиб қутилиш учун ундан маслаҳат сўради. Азимхўжа савдогар бир оз ўйлаб туриб:

— Чиройли келишган бир йигитни уйингга олиб кириб ўлдир, жасадини хотинининг жасади ёнига қўйиб, кейин қўшниларингни йиғиб: «Уйимга келиб кўрсам, хотиним бир ёш йигит билан ўйнашиб ўтирган экан, ҳамиятим қўзғалиб, уларни ўлдирдим», — деб айт. Шунда халқ сўзингга ишонади. Сенга шу маслаҳатни бераман. Агар маслахатимга амал қилсанг, жазонг енгиллашади, ўлимдан қутуласан, — деди.

Баттол бойнинг ярамас маслаҳати Убайдга маъқул бўлиб, бир чиройли ёш йигитни кута бошлади. Савдогар кетгандан кўп вақт ўтмай, кўчада бир келишган йигит кўринди. Малъун Убайд йигитнинг йўлини тўсиб, таъзим қилиб, айтди:

— Укам, сизга бир илтимосим бор, шояд қабул қиласиз, деб умид қиламан. Мен меҳмонсиз овқатланмайман. Шунинг учун овқат вақтида кўчага чиқиб, биринчи кўринган одамни уйимга таклиф қиламан. Бу гал биринчи бўлиб сиз йўлиқдингиз, уйимга марҳамат қилинг, азиз меҳмоним бўлинг...

Йигит ҳар қанча узр айтса ҳам, Убайд қабул қилмай уни уйига судради. Ниҳоят, йигит унинг таклифини қабул қилишга мажбур бўлди. Уйга кирдилар. Нобакор Убайд эшикларни беркитиб олиб, у бечорани ҳам ўлдирди, жасадни хотини жасадининг ёнига олиб келиб қўйди. Сўнгра савдогар ўргатганича қўшниларига хабар берди...

БАЙТ:

Кимки бадкору, бадхаёл бўлса,
Яхшиликнинг юзин ҳеч кўрмагай!

ҲИКМАТ: Бахтиёрлик уч нарсада: саломатликда, ҳалол топган бойликда, хотиржамликда. Эркакка оройиш берадиган нарса иккита: яхшилик қилиш ва шарму-ҳаё. Икки нарса борки, унинг ози ҳам кўп: бири-адоват, иккинчиси-чақимчилик!

ФИҒОН

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, шу чоқда Азимхўжа савдогар ишидан қайтиб келаётган эди. Убайд уни уйига олиб кириб:

— Маслаҳатингизга амал қилиб, мана шу чиройли йигитни ўлдирдим, — деб унинг жасадини кўрсатди. Савдогар шунда дод-фиғон қилиб, ўзини йигит жасади устига ташлади. Бу йигит савдогарнинг ўз ўғли эди. Баттол савдогар ўзини юлиб-юлқиб, бошига тупроқ сочиб йиғлади, ниҳоят қайғусига чидолмай, бошини харсангга қаттиқ урган эди, мияси пачоқ бўлиб, ҳалок бўлди. Нож ўя берган маслаҳатининг дорига ўзи осилди!

Шу чоғда йиғилган одамлар Убайднинг уйига бостириб кирдилар. Уч ўликни кўрган халқнинг фарёду фиғони осмонга кўтарилди. Малъун Убайдни тутиб боғладилар, воқеани шаҳар ҳокимига хабар қилдилар. Ҳоким фожеа содир бўлган ерга ўз кишилари билан келиб, тафсилотларни ўрганди. Шунда халқ орасидан бир хотин эри билан чиқиб, Убайднинг хонадонидан ўз уйларига очилган туйнук орқали барча қилинган жиноятларни кўрганларини сўзлаб гувоҳлик бердилар.

Халқ ғазабланиб, ҳокимдан жиноятчини қаттиқ жазолашни талаб қилди. Ҳоким ҳам жиноятчини ярамас киши эканлигини билар экан, шу туфайли қаттиқ тергов олиб борди. Тергов натижасида қотил Убайд ўз жиноятларига иқрор бўлиб, савдогарнинг маслаҳатига кириб, шундай қабиҳ ишларни қилганини айтиб берди. Ҳоким уни дорга остирди!

БАЙТ:

Кимки кўча устига қўйса тузоқ,
Ўзи солгай шу тузоқ ичра оёқ!

ҲИКМАТ: Ўйлаб иш тутиш инсон устидан ҳоким бўлганда эди, ҳеч ким хатар домига тушмаган бўларди!

МУРОД: АДАБ ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир. Шунинг учун айтадилар: «Адаби йўқнинг ақли йўқ». Олимлар: «Адабсиз ақл, ақлсиз адаб йўқ», — дейдилар. Демак, ақл ва адаб бир-бирини тўлдиради. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у ҳақиқий камол эгаси бўлади.

Айтадилар: «Адаб икки хилдир: хикмат адаби ва хизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. Хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказади». Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат бўлиб, бири азиз қилса, иккинчиси қудратли қилади!

САБОҚ: АДАБ — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди. Ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди.

Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада, барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан-кунга обрў топади, аҳволи яхшиланади, ишлари равнақ топади.

Баъзи донишмандлар адабни энг масъум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб—ақлнинг суянчиғи, барча фазилатларнинг манбаидир.

АЛҚИССА:

Алъамон, юз алъамон, адабсизлардан алъамон,
Яхши улфатлар билан бўлгил ҳамиша, эй жавон!

Баҳодир ВАЛИЕВ
тайёрлаган.

«ҲАВАС»НИНГ НУФУЗИ ОРТМОҚДА

Пойтахтдаги «Динамо» теннис мажмуида уч кун давом этган анъанавий турнир ушбу спорт шайдоларини чинакам мафтун этди

МАЗКУР ўйингоҳга ташриф буюрган ҳар бир киши у хоҳ мухлис бўлсин, мутахассис ёинки қатнашчи бўлсин бир овоздан ўтган йили асос солинган «Ҳавас» турнири бир йилдаёқ маҳорат сари дадил қадам ташлаганлигини айтишди. Ярим финал ва бош соврин учун якунловчи ўйин мухлисларни ўзига ром этибгина қолмай, балки бутун баҳс давомида тез-тез ҳаяжонланишга, кучли ва кутилмаган ҳамда алдамчи зарбаларни олқишлаб туришга ундади.

Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов билан Республика Миллий Ҳавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятов ўртасидаги ярим финал беллашуви иккинчи кортда беллашаётган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Усмонов ва республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов баҳсидан 15 дақиқача барвақт ниҳоясига етди. Тўлқин Жабборов 6:3 ҳисобида ғолиб келди ва биринчи бўлиб финалга йўлланма олди. Ш. Каримов билан М. Усмонов учрашуви эса бирмунча кескинроқ ўтди. Соғлиқни сақлаш вазири ҳал қилувчи дақиқаларда кучли зарбалари эвазига ҳисобни аста-секин ўз фойдасига ошира борди ва пировард 6:2 ҳисобида ғалабага эришиб, финалда бош соврин учун курашадиган бўлди.

Турнирнинг бош мукофоти учун Шавкат Каримов ва Тўлқин Жабборов ўртасидаги финал беллашув бошланиши олдидан бўлган қисқа муддатли танаффус пайтида мазкур турнир қатнашчиси, Ўзбекистон Мудофаа вазири Рустам Аҳмедов билан суҳбатда бўлдик.

— Рустам Ўрмонович, ҳозиргина тугаган ярим финал беллашувлари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Очиғини айтсам, ҳамкасбим Р. Иноятов ва Бош вазир ўринбосари М. Усмоновларга тарафдор эдим. На илож, спортда кучли ютади, деган нақл бор.

— Финалда ким ғолиб чиқади?

— Кучлар тенг. Лекин Т. Жабборов рақибига қараганда анча ёш ва эпчилроқ. Яна омад деган гап ҳам бор.

Суҳбат мавзуи футболга кўчди. Фурсатдан фойдаланиб, МҲСК футболчилари жаҳон чемпионатининг финал беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлиги билан вазирни қутладим. Сўнг яна жамоа бу йил мамлакат чемпионлари бўлишларига истак билдирдим.

— Раҳмат, мана бу бошқа гап, — қутловингиз ва истагингиз учун чин дилдан ташаккур.

Шу ўринда «Тошкент ҳақиқати»нинг **«Энг жиддий ўйинчи»** учун таъсис этилган совринига Р. Аҳмедов сазовор бўлганлигини айтиб, вазирга спортда ва ҳаётда омад тилаймиз.

Ниҳоят бош соврин учун финал ўйин бошланди. 15:0, 15:15, 30:30, 40:40, гейм ана шундай кескин бошланди. Бироқ кейинчалик Соғлиқни сақлаш вазири ташаббусни ўз қўлига олиб, умумий 2:0 ҳисобида олдинга ўтиб олса-да, унинг рақиби Т. Жабборов ён берадиганлардан эмасди. 1:3, 2:3, 3:3. Кураш қизигандан қизиди. 4:4...6:6. Мусобақа низомига кўра тай-брекда ғолиб аниқланиши лозим. Баҳслашувнинг сўнгги дақиқаларида бехато ҳаракат қилган Шавкат Каримов 7:2 ва умумий 7:6 ҳисобида ғолиб келиб, «Ҳавас» турнирининг бош совринига сазовор бўлди. Якунловчи беллашувни томоша қилган ҳар бир қатнашчи иштирокчиларнинг маҳоратига тан бериб, «ҳаваскор эмас профессионал теннисчилар ўйинини кўрсатишди» деб таъкидлашди.

Учинчи мукофотли ўринга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов сазовор бўлди.

Спорт журналистлари билан бўлиб ўтган матбуот конференциясида швейцариялик бизнесчи, машҳур теннис ихлосманди Сасон Какшури ва исроиллик мутахассис, профессионал теннисчилар Ассоциацияси вакили Ян Фрумен ўз сўзларида Ўзбекистонда теннис тезкорлик билан ривож топиб бораётганлигини бир овоздан таъкидладилар. Айниқса, Ян Фруменнинг «Бундан тўрт йил муқаддам юртингизда бўлиб, профессионал теннисни ўргатган бўлсак, бугун бу ерда унинг нақадар тез ривож топганидан хурсанд бўлиш билан бирга, шогирд сифатида тажрибаларингизни ўрганяпман, десам муболаға бўлмайди» дейишнинг ўзи теннисимизга берилган юксак баҳодир.

Қатнашчилар мусобақа ёпилиш тантанасига сафландилар. «Ҳавас» анъанавий турнири ташкилий қўмитаси раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ушбу турнирнинг нуфузи тобора ортиб бораётганлиги ҳақида гапириб, ғолибларга совринлар топширди.

Мусобақа иштирокчилари ўз вилоятлари, шаҳар ва туманларига қайтишгач, бу ерда теннис спортига орттирган ҳавасларини амалда қўллайдилар, янги кортлар барпо этишиб, ёшларни ушбу спорт турига жалб этадилар, деб умид қиламиз.

Шарофиддин УМИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Суратда: мусобақа ғолиби Шавкат Каримов (чапда) ва иккинчи ўринни олган ҳаваскор теннисчи Тўлқин Жабборов.
У.ШАРИПОВ олган сурат.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Файз-Камол» ЛТД масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги «Атразия-Бек» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ўртачирчиқ туманидаги 25-ўрта мактаб томонидан Ҳожиматова Раънога берилган 281254 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусҳа.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 19. 00. Босишга топширилди – 20.00.